ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИКДА ТУТГАН ЎРНИ

Даврон Ғайратович Азимов
Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти ўқитувчиси
davron_azimov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада анъанавий ижрочилик Қашқадарё воҳасининг халқ оғзаки ижодида тутган ўрни ва бадиҳагўйлик, достончилик, аския ҳақида очиб берилган.

Калит сўзлар: Фолклор, ижод, анъана, санъат, маданият, ижро, достон, бадиҳагўйлик

THE ROLE OF KASHKADARYA REGION IN TRADITIONAL PERFORMANCE

Davron Gayatovich Azimov
Teacher, Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article reveals the role of traditional performance in the folklore of the Kashkadarya region, as well as poetry, epic poetry, askiya.

Keywords: Folklore, creativity, tradition, art, culture, performance, epic, poetry

КИРИШ

Анъанавий ижрочиликда, ҳар бир худуднинг санъати ва маданияти ўзига хос деб баҳоланади. Қашқадарё воҳасининг ҳам бу борадаги ўрни алохида аҳамиятга эга. Айниқса, анъанавийлик Қашқадарё санъатининг ташқи кўринишида кўзга ташланиб туради.

Қашқадарё мамлакатимизнинг энг бой тарихга, ривожланган маданиятга эга бўлган қадимий ўлкаларидан биридир. Мана шундай гўзал вилоятнинг урф одатларини кўрсатиб бериш учун саҳнага чиққан бахши йигитнинг ашуласи томошабинларни ҳаёлан Қашқадарёга олиб кетади. Қашқадарё тоғларида руҳан сайр қилиб юрар экансиз, тўй тантанаси устидан чиқиб қолсангиз, қашқадарёликларнинг тўй маросимида амалга оширадиган чиройли одатлари билан яқиндан танишасиз. Ижрочилар томонидан Қашқадарё ҳақидаги бир

биридан гўзал шеър қўшиқлар ижро этилади, дилбар қизларнинг қашқадарёча рақсга тушиши, инсонга хушкайфият бахш этади. Байрам дастурхонларининг ҳам таровати ўзгача, дастурхон атрофида ҳамма рақсга таклиф этилади, ўланлар куйланади.

Қашқадарё улуғлигини, қадимийлигини кўрсатувчи тадбирлар ҳам ажойиб тантаналар билан нишонланган. Жумладан, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги ҳам халқаро миқёсда нишонланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қашқадарёнинг классик ва замонавий санъати ва маданияти бир-бирини тўлдирувчи уйғунликка эга. Айниқса фолклор ижрочилигининг замонавий талқини ҳайратланарли ҳусусиятларга эга.

Халқ оғзаки ижоди бадиий адабиётнинг энг қадимий тури ҳисобланади. Қашқадарё фолклори жаҳондаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бўлгани каби бир қатор ўзига хос белгиларига эга. Бу белги хусусиятлари асосан оғзаки шаклдаги сўз санъати намуналарининг ёзма адабиёт асарларидан фарқланувчи хусусиятлар ҳисобланади. Уларнинг тартиби ҳақида фолклоршунос олимларнинг фикрлари турлича. Масалан, О. Мадев анъанавийликни фолклорнинг биринчи хусусияти деб ҳисоблайди. Биз қуйидаги тартиб тарафдорларининг фикрига қўшиламиз:

1. Оғзакилик ва бадиҳагўйлик.
2. Жамоавийлик ва оммавийлик.
3. Анъанавийлик.
4. Кўп нусхалилик ва тармоқлилик.
5. Анонимлик.

Оғзакилик ва бадиҳагўйлик оғзаки ижод асарларининг шаклий кўриниши билан боғлиқдир. Асрлар давомида бизгача етиб келган достон, эртак, қўшиқ, мақол ва бошқа асарлар оғзаки тарзда яратилган, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтган ва халқ маданиятининг оғзаки меросига айланган. Кўп йиллардан буён оғзаки ижод намуналарини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатувлар оғзакиликнинг ижобий ва салбий жиҳатлари борлигини тасдиқламоқда. Бизнингча, оғзакилик халқ ижодининг омма орасига тарқалишида ва кенг тус олишида ижобий аҳамиятга эга. Чунки асарларнинг бу шаклда ижро этилиши ижрочи зиммасига ортиқча маъсулият юкламайди. Аммо масаланинг иккинчи томонини ҳам қайд этмоқ лозим, хусусан, айрим ижод намуналари айнан оғзаки тарзда ижро этилганлиги учун ижрочининг вафоти билан асарнинг ҳаёти ҳам тўхтайди, унутилади. Айрим ижод намуналарининг шогирдлар томонидан

ўзлаштирилмаганлиги ёки олимлар томонидан ёзиб олинмаганлиги оқибатида вақт ўтиш билан эсдан чиқади, асар йўқолиб кетади.

Бадиҳагўйлик халқ оғзаки ижодидаги бевосита оғзакилик хусусиятидан келиб чиқадиган белгидир. Бадиҳагўйлик ёзма ижодда йўқ, чунки ёзма жараён индивидуал ижод билан боғлангандир. Бадиҳагўйлик эса тингловчи аудиторияси билан боғланган ҳолда намоён бўлади. Халқ оғзаки ижодидаги аския жанрини бадиҳагўйликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шунингдек, достон, эртак ва бошқа фольклор намуналарининг ижроси жараёнида ижрочи асар матнига йўл-йўлакай ўзгариш киритиши, баъзан янги лавҳаларни ўйлаб топиши, айримларидан воз кечиши мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фольклор тархий тараққиёти жараёнида баъзи бадиҳагўй шоир-қўшиқчилар меҳмонларнинг ҳар бирига атаб алоҳида-алоҳида тўртликлар тўқиганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Айтиш мумкинки, достон, эртак, умуман, фольклор намуналарининг янги нусхаларини яратишда ҳам бадиҳагўйликнинг аҳамияти сезиларли.

Жамоавийлик ва оммавийлик тушунчаси ҳам халқ оғзаки ижодида муҳим белги ҳисобланади. Бу ўринда асарнинг яратилиши жамоа билан, унинг тарқалиши халқ орасида яшаши оммавийлик билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир асарнинг вужудга келиши, жанр сифатида такомиллашуви, сўз санъатининг намунаси сифатида халққа таъсир этиши унда жамоавийнинг иштироки билан белгиланади. Фолклордаги жамоавийлик тушунчаси билан бирон жисмоний меҳнатни амалга оширишдаги жамоавийлик тушунчаси ўртасида фарқ бор. Фолклоршунос олимларнинг таъкидлашларига кўра жамоа бўлиб пахта териш мумкин, иморат қуриш мумкин, лекин бевосита жамоа бўлиб асар яратиш мумкин эмас. Достон, эртакларнинг, шаклланишида жамоавийлик тушунчаси нисбий маънога эга бўлади. Чунки фолклор асарининг яратилишида биринчи вазифани ижод қилиш иқтидорига эга бўлган шахс бажаради. Аммо шахс яратган дастлабки асар кўриниши йиллар давомида оғзаки усулда ижро этилиши натижасида, халқнинг бошқа иқтидорли фарзандлари томонидан унга қайта-қайта ўзгаришлар киритилади, натижада жамоа ижоди сифатида шаклланади.

Олимларнинг кузатишлари шуни тасдиқлаяптики, ҳатто тингловчилар ижро давомида асардаги тасвирланаётган воқеаларга нисбатан ўзларининг қизиқишларини билдиришлари орқали ҳам мазкур асар нусхасига ўзгаришлар киритар эканлар. Ўйлаймизки, ана шу жараённи ҳам фолклордаги жамоавийлик

белгиси билан боғлаш мумкин бўлади. Бинобарин, халқ оғзаки ижодида жамоавийлик ва индивидуал ижод тушунчаси бир-бирини инкор этмайди. Оммавийлик эса яратилган фолклор намунасининг халқ вакиллари истиқомат қилувчи ҳамма ҳудудларда тарқалиши билан боғлиқдир. Тўғри, бу ҳудудлар баъзан тарихий - этнографик жиҳатдан чегараланган бўлиши мумкин. Масалан, достон, эртак, аския ва бошқа жанрлардаги асарлар Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида бир хил ижро этилмайди. Аммо шунга қарамай, асарлар тарқалишидаги оммавийлик ҳар бир намунанинг ўзбек халқи маданий меросига таалуқли эканини тасдиқлайверади.

Анъанавийлик халқ оғзаки бадиий ижодининг асрлар давомида ҳаёт тажрибасида синалган асосий хусусиятларидан биридир. Халқнинг ҳордиқ чиқаришида, маданий дам олишида асосий восита ҳисобланган достон, эртак, қўшиқ, аския, топишмоқ ижролари қадим замонлардан буён маълум анъанага бўйсунади. Бу ҳолатни бир неча йўналишда қайд этиш мумкин:

1. Фолклор асарларининг оғзаки усулда яратилишида.
2. Оғзаки ижод асарларининг матнида.
3. Ижронинг шаклида.

Фолклоршунос олим Омонилла Мадаев анъанавийликни фолклорнинг асосий ва биринчи хусусияти, деб ҳисоблайди. Фолклоршунос олимлар Б. Каримов, Ҳ. Зарифов, М. Афзалов, М. Алавия, З. Ҳусаиноваларнинг маълумот беришича, оғзаки ижод асарларини ижро этишда ижрочилар қатъий одатларга амал қилганлар. Хусусан, эртак айтувчилар тингловчилари йиғилганидан сўнг ўз олдига сув, кул, тупроқ, исириқ, супурги, тароқ, чўп ва бошқаларни маълум тартибда қўйиб эртак айтишни бошлаганлар. Топишмоқ айтишда эса ғолиб ва мағлуб тарафларни белгиловчи шартлар эълон қилинган. Достон ижросида Қашқадарё воҳасининг анъаналари машҳур бўлган. Демак, турли жанрларга оид асарлар ижроси давомида доимий равишда такрорланувчи анъаналар муҳим ролъ ўйнаган. Шубҳасиз, фолклоршуносликда матний анъаналарга эътибор бериш муҳимроқ ҳисобланади. Биз бу ўринда достон, эртак жанрларига мансуб асарларнинг насрий ва назмий шаклларини, асар бошланмасидаги анъанавий ўринларни назарда тутамиз.

ХУЛОСА

Адабиётшуносликда образ яратиш, конфликт бадиий тасвир воситалари каби тушунчалар етакчи хусусиятлар саналади. Халқ қўшиқларидан тортиб достонларигача, мақоллардан тортиб эртакларгача образ яратиш, воқеани баён қилиш, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш кабилар ўзига хос

кўринишларга эгадир. Шунинг учун халқ орасидан етишиб чиққан ва алоҳида иқтидорга эга бўлган ижодкор - ижрочилар ўзлари яратган асарларини ҳар бир жанр анъанасини ҳисобга олган ҳолда ижод қилганлар. Натижада, улар яратган янги асар анъана жиҳатдан оригинал бўлмаган. Шунинг учун ҳам янги эртак ёки достон яратувчи шахс ўз номини муаллиф сифатида эслашга журъат этмаган. Шундай қилиб, анъанавийликни халқ оғзаки ижоднинг ўзига хос муҳим белгиларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин бўлади.

REFERENCES

1. Қорабоев У.Х. Бадиий оммавий тадбирлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986 йил.
2. Қорабоев У.Х. Ўзбекистон байрамлари. – Т.: 1982 йил.
3. Жабборов И. Ўзбеклар турмуш тарзи. – Т.: “Ўқитувчи”, 2003 йил.
4. Маҳкамова, Ш. Р. (2020). Мусиқа илми ва ислом дини: талқин муаммоси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1331-1334.